

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DsC.03/30.01.2020.I.10.03. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК
РИВОЖЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

ШОХУЖАЕВА ЗЕБО САФОЕВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025 й.

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по экономическим
наукам**

Contents of the Dissertation Abstract of Doctor (DSc) in Economics Sciences

Шохужаева Зебо Сафоевна

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг
илмий-услубий асослари.....3

Шохужаева Зебо Сафоевна

Научно-методические основы повышения экономической эффективности
водопользования в сельском хозяйстве.....37

Shokhuzhaeva Zebo Safoevna

Scientific and methodological foundations for increasing the economic efficiency of water
use in agriculture.....72

Эълон қилинган ишлар рўйхати.....77

Список опубликованных работ

List of published works

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DsC.03/30.01.2020.I.10.03. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК
РИВОЖЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

ШОХУЖАЕВА ЗЕБО САФОЕВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025 й.

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Iqt373 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хушматов Норкул Садуллаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муртозаев Олим
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Умаров Сухроб Рустамович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ҳасанов Шавкат Турсунқулович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги
вазирлиги**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.I.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат _____ да мажлиси бўлиб ўтади. (Манзил: 100000. Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, факс (99871) 237-38-79. E-mail: admin@tiame.uz)

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000. Тошкент шаҳар, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45)

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Қ.А.Чориев,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д (PhD), доцент

Б.Ф.Султонов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

КИРИШ (Докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон сув ресурслари институти (World Water Resource Institute) маълумотларига кўра, 2025 йилда дунёда тахминан 3,5 млрд аҳоли сув танқислиги муаммосига дуч келиши башорат қилинган. Жумладан, ривожланаётган мамлакатларда табиий ресурсларни бошқариш стратегияси ва сиёсатининг барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришиш йўналишларига мос амалда ишламаслиги натижасида бу кўрсаткич 1,2-1,8 млн кишига етиши ҳисоблаб чиқилган. 2080 йилга бориб сув тежовчи инновацион суғориш усуллари ва технологияларини татбиқ этиш асосида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сув тежаш имкониятлари борлигига қарамасдан глобал иқлим, об-ҳаво, ёғингарчилик ва ўсимликлар вегетация даврларининг ўзгариши сабабли чучук сувга талаб 25%га ортиши прогноз қилинган¹. Демак, глобал иқлим ўзгариши шароитида нафақат қурғоқчил ҳудудларда, балки, дунё миқёсида ҳам сув ресурслари манбаларини кўпайтириш, давлатлараро трансчегаравий ирригация тизимларини барпо этиш ва улардан самарали фойдаланиш стратегияларини ўзаро манфаатли битимлар асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш келгусидаги долзарб муаммолардан эканлигини эътироф этиш лозим.

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирга келиб дунёда жами суғориладиган 227,7 млн гектар ерларнинг учдан бир қисми, яъни, 33 %ида (74,6 млн га) сув тежамкор суғориш технологиялари кенг қўлланилмоқда. Уларнинг энг катта улуши эса АҚШ (56%), Бразилия (77%), Испания (73%), Италия (60%), Жанубий Корея (60%), Саудия Арабистони (56%) ва Хитой (51%) давлатлари² ҳиссасига тўғри келмоқда. Осиё суғориладиган ерлари бўйича энг катта ўлчамга (193 млн га), яъни, дунё бўйича 69% суғориладиган майдонга эгаллигига қарамай, бу ҳудудда фақатгина 8,75 млн. гектар (4,5%) экин ерлари сув тежамкор тизимларга эга³. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда сув тежамкор технология ва усулларни кенг қўламда жорий этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Аммо, тежамкор суғориш усуллари қўлланилаётган экин майдонларининг салмоғи камлиги истикболда сув тежайдиган усул ва технологияларни кенг ва самарали жорий этиш орқали сув исрофгарчилиги ва экин ерлари мелиоратив ҳолати ёмонлашининг олдини олиш чора-тадбирларини кўришни тақозо этади. Шунингдек, сув тақчиллиги кескинлашиши, иқлим ўзгаришлари билан бирга дунё аҳолиси сонининг ортиб бориши ва ҳаёт фаровонлигини яхшилаш жараёнида сув истеъмоли ҳажмининг экстенсив тарзда ўсиши кузатилмоқда. Бироқ, жаҳонда 1980 йилдан бошлаб сув истеъмоли йилига ўртача 1% га ўсган ва бу ўсиш тенденцияси 2050 йилгача ҳам сақланиши кутилмоқда. Бу мавжуд ҳолатга нисбатан 20-30% кўп демакдир⁴.

Сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш масаласи мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда энг долзарб ва ҳал этувчи омиллардан

¹ <https://www.ekogazeta.uz/xabarlar/5878>

² Манба. Ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссия (МСИД) маълумотлари.

³ Гопалакришна М. Площади дождевания и микро-орошения в некоторых странах-членах МКИД. http://www.cawater-info.net/int_org/igid/publications.html.

⁴ Burek P., Satoh Y., Fischer G., Kahil Mt., Scherzer A., Tram berend S., Nava Lf., Wada Y., Et all. 2016. Water Futures and Solution – Fast Track Initiative (Final Report). IIASA Working Paper. Laxenburg: WP-16-006. P.88.

бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, сўнги йилларда амалга оширилган аграр ислохотлар натижасида сув ресурсларини бошқариш, улардан фойдаланиш муносабатларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ирригация-мелиорация тизими инфратузилмасини ривожлантириш, сувтежамкор техника ва технологияларни қўллашни рағбатлантириш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бироқ, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, ижтимоий соҳа ривожланиши ва аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишда тежамкор замонавий яшил ва рақамли технологияларни қўллаш борасидаги ёндашувларни амалиётга жорий этишнинг долзарблиги ортиб бормоқда. Шу сабабдан, сув тақчиллиги муаммоси ва иқлим ўзгаришларига мослашиш, қишлоқ хўжалигида сувтежамкор инновацион усул ва технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш борасида яқин келажакка мўлжалланган стратегик йўналишларини белгилашга қаратилган илмий-амалий таклифлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2024 йил 5 майдаги ПФ-74-сон “Сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 26 ноябрдаги “Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4536-сон, 2019 йил 25 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4499-сон, 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4486-сон, 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4919-сон, 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144 сон, 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5 сон қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМ-196-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мазкур илмий иш муайян муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵.

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, United States Department of Agriculture (USDA), Wageningen University and Research Centre (Голландия), Swedish University of Agricultural Sciences (Швеция), Agro ParisTech (Франция), Department of Engineering Management (Бельгия), ETH Zurich (Швейцария), Bahir Dar University (Эфиопия), Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва илмий-техника ахбороти институти (Хитой), Food and Agriculture Organization (ФАО), Сув муаммолари институти (Россия), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA), Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази (Ўзбекистон) ва “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети каби кўплаб илмий-тадқиқот муассасалари шулар жумласидандир.

Ушбу илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилган изланишлар жараёнида қуйидаги муҳим натижаларга эришилган: АКШнинг “United States Department of Agriculture” ва ФАОнинг “Food and Agriculture Organization”да қишлоқ хўжалигида экинларни суғоришда замонавий суғориш технологияларни қўллаш самарадорлиги, Голландиянинг “Wageningen University and Research Centre”да ресурслардан кам ва тежамли фойдаланган ҳолда кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, атроф-муҳитга таъсирни камайтириш ва ўсиб бораётган истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш, “Bahir Dar University” олимларининг Эфиопиянинг шимоли-ғарбий қисмида суғориш суви мавжудлигининг тўғридан-тўғри ва билвосита экинлар даромадига таъсири асослаб берилган.

Швециянинг “Swedish University of Agricultural Sciences” нашрларида қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, боғдорчилик, ўсимликчилик, табиий ресурслар, экология, чорвачилик, сув ресурслари, биология, наслчилик, йилқичилик ва бошқа йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган дастурлар, Исроилнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси университетида сув тақсимоти, экология, қишлоқ хўжалигини бошқариш ва экинларни суғоришда ёмғирлатиб, томчилатиб, аэрозол суғориш технологияларининг 100 фоиз рақамлашганлиги, Россиянинг қишлоқ хўжалиги сув таъминоти ва суғориш тизимлари умумроссия илмий-тадқиқот институтида қишлоқ хўжалиги ерларида мелиоратив тадбирлар ҳамда сув ресурсларидан фойдаланишнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик самарадорлигини баҳолаш услубиёти кенг ёритилган. Мамлакатимиздаги Сув муаммолари институти ва “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети олимлари томонидан эса сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мунтазам равишда амалиётга жорий этиб келинмоқда.

Умуман, ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган глобал иқлим ўзгаришлари ва сув танқислиги кучайиши шароитида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий изланишлар шарҳи <https://www.hotcourses.ru>, <https://www.norma.uz>, <https://yuz.uz>, www.pku.edu.cn, www.uwrf.edu/AGEC/, <http://www.fao.org/home/en>, www.uv.es/uvweb/applied_economics_department/ ва бошқа манбалар асосида ёритилган.

самарадорлигини ошириш ва сув тежамкор технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга оид қуйидаги йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда: ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш, сув тежовчи суғориш технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғориш каналларидан фойдаланиш даражасини ошириш, сув ўлчаш воситаларинининг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослаш, суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сув тежовчи технологияларини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулотлар сифатини иқтисодий баҳолаш ҳамда сув хўжалигини инновацион-инвестицион ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш ва ҳ.к.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари хорижлик иқтисодчи-олимлар, жумладан, Berbel J., Markose Chekol Zewdie., Григорьев Е.Г., Данилов-Данильян В.И., Дрягилов Л.А., Думное А.Д., Дубина С., Ерешко Ф.И., Зайцева И.С., Зиганишина Д., Зузик Д.Т., Ибраимханов Е.К., Карев В.Б., Куатбаева Г.К., Ковалевский В.С., Клюквин А.Н., Кумсиашвили Г.П., Кречетов Л.И., Лосев К.С., Лаукс П., Лойтер М.Н., Макара С.В., Марушевский Г.Б., Неверов А.В., Павлов П.Н., Пряжинская В.Г., Перри С., Ушаков Е.П., Федцов В.Г., Хачатуров Т.С., Хафизов Е.Б., Хранович И.Л., Чакликова Д.С., Ярославский В. ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида кенг ёритиб ва асослаб берилган⁶.

Ўзбекистон шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг баъзи муаммолари ва айрим йўналишлари Р.Абдуллахонов, Ш.Исраилов, Ш.Муминов, М.Маткаримов, М.Машарипова, У.Сангирова, З.Ташматов, Т.Фарманов, Н.Хушматов, Б.Ҳасанов ва бошқа иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Мазкур тадқиқотларда сув хўжалиги мажмуаси, сувни тежовчи ва муҳофаза қилувчи технологияларнинг самарадорлиги ва уларни бошқариш, сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантириш, ҳудудий сув истеъмолчилари

⁶ Berbel J. et al. (2019) Analysis of irrigation water tariffs and taxes in Europe / *Water Policy* 21 – PP. 806-825.; Markose Chekol Zewdie e.tc. Direct and indirect effect of irrigation water availability on crop revenue in northwest Ethiopia: A structural equation model / *Agricultural Water Management* 220(2019) 27-35.; Григорьев Е.Г. Водные ресурсы России: проблемы и методы государственного регулирования. — М.: Научный мир, 2007 – 110 с.; Данилов – Данильян В.И. Обоснование стратегий управления водными ресурсами. – М.: Научный мир, 2006 – 336 с.; Доклад ООН о развитии человека 2006. «Что кроется за нехваткой воды: власть, бедность и глобальный кризис водных ресурсов». – М.: Весь Мир, 2006. – 440 с.; Карев В.Б. и др. Экономика использования водных ресурсов в орошаемом земледелии. – М.: Колос, 1997. – С. 111-113.; Ковалевский В.С. Комбинированное использование ресурсов поверхностных и подземных вод. М.: Научный мир, 2001. – 331 с.; Ушаков Е.П. Рентные отношения водопользования в России. М.: Наука, 2008. – 303 с.; Ванн Б., П.Лаукс. Планирование и управление водохозяйственными системами. Введение в методы, модели и приложения.– М: Юстициформ, 2009. – 658 с.; Данилов-Данильян В.И., Хранович И.Л. Управление водными ресурсами. Согласование стратегий водопользования. - М.: Научный мир, 2010 – 232 с.; Данилов-Данильян В.И., Пряжинская В.Г. Водные ресурсы и качество вод: состояние и проблемы управления. – М.:РАСХН, 2010 – 415 с.; Данилов-Данильян В.И., Лосев К.С. Потребление воды: экологический, экономический, социальный и политический аспекты. М.: Наука, 2006. – 221 с.; Данилов-Данильян В.И., Лосев К.С. Экологический вызов и устойчивое развитие, М.: Прогресс-Традиция, 2000. – 416 с.; Зузик Д.Т. Экономика водного хозяйства. – М.: 1982. – 398 с.; Перри С. Water at any price? Issues and options in charging for irrigation water. *Irrigation and drainage*. 2001. – №3, P. 24-27; Экономика природопользования. М.: Экономика, 1982. – 138 с.; Куатбаева Г.К., Чакликова Д.С., Ибраимханов Е.К., Хафизов Е.Б. Опыт Германии в управлении водными ресурсами [под ред. Папенова К. В.] — М.: Макс Пресс, 2000 - 89 с.; Кречетов Л.И. Системы экономического стимулирования водоохраной деятельности предприятий. I. Платежи // Водные ресурсы. № 4. 1991. С. 164-172.

уюшмалари фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилган⁷. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан И.Абдурахимов, А.Абдуғаниев, А.Султонов, Х.Тошматов, Ў.Умурзоқов, З.Худойберганов, С.Умаров, С.Қўчқорова ва бошқаларнинг илмий изланишлари эса сув хўжалиги иқтисодиёти масалаларига қаратилган⁸.

Бироқ, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, ижтимоий инфратузилмаларнинг ривожланиши ва аҳоли эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида сувтежамкор технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш асосида ҳудудлар ва тармоқлар кесимида сув тежамкор технологияларнинг нисбатан оптимал ва самарали вариантини танлаш, фойдаланиладиган сув таннархини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, истеъмолчига етказиб берилган сув нархини объектив баҳолаш, сувтежамкор технологиялардан фойдаланишнинг экинлар ҳосилдорлиги ва маҳсулотлар сифатига таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар ҳудуд ва минтақалар кесимида етарлича олиб борилмаган. Шу каби кўплаб муаммолар ушбу мавзунини танлашга асос бўлди ва қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш усули ва технологияларини ривожлантириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш объектив зарурият бўлиб ҳисобланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда AL-7823051503 рақамли “Сув хўжалиги соҳасида рақамлаштириш платформаси ва онлайн мониторинг тизимини жорий этиш” 78-тур ташаббускор “Олима аёллар” амалий ва инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

⁷Абдуллахонов Р.А. Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2003. –27 б.; Исраилов Ш.Д. Социально-экономическая эффективность мероприятий по охране водных ресурсов (на примере Ташкентской области). Дис...канд.экон.наук. – Т.: ТИНХ, 1987. – С. 115-120.; Маткаримов М. Сув тежовчи ва муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш жараёнларини бошқариш. И.ф.н... дис... автореферати. – Самарқанд: 2006. – 22 б.; Машарипова М. Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда сув хўжалиги мажмуаси салоҳиятидан фойдаланишнинг минтақавий хусусиятлари. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2006. – 24 б.; Муминов Ш.Х. Бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д (DSc)... дис... автореферати. – Т.: 2020. – 38 б.; Сангилова У.Р. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: БМА, 2012. – 24 б.; Ташматов З.Х. Эколого-экономическая оптимизация водопользования в Республике Узбекистан. Дис.. канд. экон. наук. – Т.:ТГЭУ,1993. – С.45-55.; Фарманов Т.Х. Развитие использования водосберегающих технологий в сельском хозяйстве Узбекистана. Ж.: Достижения науки и образования №7(61), 2020. -С.4-7.; Хушматов Н.С. Сув ресурсларининг аграр тармокни барқарор ривожлантириш билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш. Ж.: Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences №3, 2022. -1121-1129 б.; Хасанов Б.У. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2003. – 30 б.

⁸Абдурахимов И.Л. Менеджмент в водном хозяйстве. – Т.: «Шарк», 2003. – 242 с.; Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: 2004. – 302 б.; Умурзаков У.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. – Т.: «Фан», 2005. – 224 с.; Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. 1-жилд. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 608 б.; Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. 2-жилд. – Т.: Иқтисод-молия, 2008.– 468 б.; Султонов А.С., Худойберганов З.Я., Қўчқорова С.А. Сув хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007.; Умаров С.Р. Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш. и.ф.д (DSc)... дис... автореф...– Т.:2017.– 38 б.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш усул ва хусусиятлари, иқтисодий самарадорлигининг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш асосида сувдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш;

сувдан самарали фойдаланиш соҳасидаги хорижий тажрибалар таҳлиллари асосида улардан фойдаланиш юзасидан хулосалар ишлаб чиқиш;

сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини баҳолаш ва услубий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

сувтежамкор усул ва технологияларнинг экинлар ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатига таъсирини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

сув хўжалиги тизимида раҳбар-мутахассислар касбий малакасини ошириш учун давлат-хусусий шериклиги асосида “Таълим-меҳнат-касбий ривожланиш маркази”нинг ташкилий-таркибий тузилмаси, фаолият йўналишлари ва молия манбаларини асослаш;

сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва СИУлари фаолиятини SWOT таҳлил қилиш асосида хулосалар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш тизимида рақамли технологияларни жорий қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида сувтежамкор технологиялардан фойдаланишнинг 2030 йилгача бўлган прогноз моделини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш тизимида кооперация субъект ва муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган услубий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланувчи маҳсулотлар етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларнинг ўзаро алоқадорлиги ва хўжалик юритиш субъектлари ўртасида юзага келадиган ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида қиёсий таққослаш, монографик кузатиш, иқтисодий-статистик таҳлил ва синтез, абстракт-мантиқий фикрлаш, SWOT таҳлил ҳамда прогнозлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

сувдан фойдаланишдаги фарқларни инобатга олувчи “ҳудудий тўғриловчи коэффициент”, сув фильтрациясини ҳисобга олувчи “технологик коэффициент” ҳамда сув тежаш даражасини ҳисобга олувчи “сув тежамкорлик коэффициент” ларидан фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

сув хўжалиги тизимида кадрлар салоҳиятини юксалтириш, ўзгариб боровчи бозор талаби асосида мутахассислар касбий малакасини ошириш мақсадларига

йўналтирилган давлат-хусусий шериклик тамойилидаги “Таълим-меҳнат-касбий ривожланиш маркази” ((Center EWPD) Education-Work-Professional development))”ни ташкил этиш механизми асосланган;

судан фойдаланиш самарадорлигини оширишда виртуал хизматлар орқали қуйи ва локал бўғинларда сув истеъмолчилари билан ўзаро алоқа ўрнатиш, экин майдонлари бўйича сув тақсимоти ва экин турлари кесимида сувтежамкор технологиялар қўлланилишини мониторинг қилишга хизмат қилувчи электрон платформа ва онлайн бошқариш модели таклиф этилган;

томчилатиб суғориш технологиясининг пахта ҳосилдорлигига таъсирини EViews дастури, кўп омилли эмпирик модел ва сувтежамкор технологиялардан фойдаланиш даражасини баҳолаш асосида 2030 йилгача бўлган давр учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

сув танқислиги ортиб бориши шароитида қишлоқ хўжалигида сув тежамкор технологияларни қўллаш борасида молиявий, ташкилий ва муҳандислик муаммоларини биргаликда, манфаатли ҳамкорлик асосида ҳал қилишни кўзда тутувчи, судан фойдаланиш ягона тизимида (ирригация-мелорация тармоқлари, экин майдонлари контурлари бўйича) ўзаро яхлит жойлашган фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари иштирокида “Судан фойдаланиш кооперативи” ташкил қилиш ва кооперация муносабатларини шакллантириш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида ҳудудий табиий-иқлим шароит ва хусусиятлари, сув ресурслари билан таъминланганлик ва сув тежамкор технологияларни қўллаш даражасини баҳолаш асосида сув истеъмолчиларини табақали рағбатлантириш имкониятини яратувчи ва реал ҳолатни ўзида акс эттирувчи коэффициентлар тизими таклиф қилинган;

давлат-хусусий шериклиги асосидаги “Таълим-меҳнат-касбий ривожланиш маркази” (Center EWPD) Education-Work-Professional development))” марказини ташкил қилиш қишлоқ хўжалигида судан фойдаланиш тизимида муқобилликни таъминлаш ва турдош субъектлар фаолиятида сув тежамкор технологияларни жорий этиш борасида соҳа раҳбар-мутахассислари ва ходимлари орасида янги билимларни тарқатиш имкониятини яратиш беради;

сув истеъмолчилари иштирокида кооперация шакл ва тамойиллари асосида сув ресурсларидан фойдаланиш инфратузилма тизимини ўзаро манфаатли ва самарали бошқариш мақсадларига йўналтирилган “Судан кооперация асосида фойдаланиш” муносабатларини йўлга қўйиш бўйича илмий-амалий тавсиялар, сув ва тегишли инфратузилма объектларидан ҳамкорликда фойдаланиш орқали қуйи бўғин хўжаликларида сув сарфини ҳисобга олиш ва тақсимоти тизимидаги масалалар ечими сифатида муҳим амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган натижалар ва ишланмаларнинг ишончлилиги қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг илмий асосланганлиги, статистик маълумотларнинг расмий манбалар, тегишли сув хўжалиги тизими ташкилотлари, субъектлари ва сув истеъмолчиларида олиб борилган монографик тадқиқотлар натижаларидан олинганлиги, илмий-амалий тавсияларнинг тегишли ташкилот ва хўжаликлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва услубий-амалий тавсиялардан қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув танқислиги кучайиши шароитида сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ошириш, сув тежамкор усул ва технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда қўллаш жиҳатдан муҳим илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларидан Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон фермерлар Кенгаши, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида ва Олий ўқув юртларида тегишли таълим йўналишларининг ўқув жараёнида ҳамда сувдан фойдаланиш соҳасида инвестицион лойиҳалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация иши мавзуси доирасида олинган илмий натижалар асосида:

сувдан фойдаланишдаги фарқларни инобатга олувчи “худудий тўғриловчи коэффициент”, сув фильтрациясини ҳисобга олувчи “технологик коэффициент” ҳамда сув тежаш даражасини ҳисобга олувчи “сув тежамкорлик коэффициенти”ларидан фойдаланишни инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш юзасидан ишлаб чиқилган услубий тавсиялар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари томонидан жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази маълумотномаси, №05/06-04-393, 12.08.2024 йил). Ушбу тавсиялар худудлар ва сув истеъмолчилари кесимида сувдан фойдаланиш ҳолатини табақали баҳолаш имконини беради ва натижада Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

фаолияти сув хўжалиги билан боғлиқ кадрлар салоҳиятини юксалтириш, ўзгариб боровчи бозор талаби асосида мутахассислар касбий малакасини ошириш мақсадларига йўналтирилган давлат-хусусий шериклиги асосидаги “Таълим-меҳнат-касбий ривожланиш маркази”ни (Centet EWPD) Education-Work-Professional development) ташкил этиш бўйича таклиф Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази маълумотномаси, №05/06-04-393, 12.08.2024 йил). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш орқали соҳада кадрлар салоҳияти ошади ва қўйилган талаблар асосида ишга жойлаштириш масаласи ижобий ҳал қилинади;

он-лайн режимда сув истеъмолчилари экин майдонларига сув сарфи, сув тақсимоти ва экин турлари кесимида тежамкор технологияларнинг қўлланилиш ҳолатини мониторинг қилиш мақсадида яратилган электрон платформадан фойдаланиш бўйича таклиф Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази маълумотномаси, №05/06-04-393, 12.08.2024 йил). Таклифлар сув ресурсларини бошқаришни рақамлаштириш, тегишли виртуал хизматлар билан интеграциялашув орқали

истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган комплекс ва тизимли чора-тадбирларни шакллантиришга имкон беради;

томчилатиб суғориш технологиясининг пахта ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш учун EViews дастури асосида кўп омилли эмперик модели тузилиб, унинг ёрдамида сувтежамкор технологиялардан фойдаланишнинг 2030 йилгача бўлган прогнози амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази маълумотномаси, №05/06-04-393, 12.08.2024 йил). Ушбу модель орқали олинган натижаларга кўра, тежамкор технологиялардан фойдаланилганда 2030 йилга бориб прогноз бўйича деярли 2,0 марта сув ресурсларини тежаш имкони яратилади;

қишлоқ хўжалигида сувдан тежамли фойдаланишда молиявий, ташкилий ва муҳандислик муаммоларини манфаатли ҳамкорлик асосида ҳал қилишни кўзда тутувчи, ўзаро боғлиқ ирригация-мелорация тармоқлари, экин майдонлари яхлит контурлари доирасида сув истеъмолчиларининг кооперация муносабатларини ташкил этиш бўйича таклифлар вазирлик ташкилотлари томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази маълумотномаси, №05/06-04-393, 12.08.2024 йил). Ушбу таклифнинг жориш этилиши хўжаликлар кесимида сув сарфи ҳисоб-китобини юритиш ва тежамкор усулларни қўллаш самарадорлигини ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида оширишни таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 1 та скопус базасидаги конференцияда, 12 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, ОАКнинг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 34 та илмий ишлар, жумладан, 22 та мақола маҳаллий илмий нашрларда, 12 таси эса хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация жами 240 саҳифада баён қилинган бўлиб, кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги, зарурияти ва ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, тадқиқот илмий янгиликлари, амалий натижалар ва амалиётга жорий қилиниши ҳолати баён қилинган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги, сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини оширишга доир хориж тажрибаларидан фойдаланиш бўйича хулосалар ўрин олган.

Республикада сув ресурслари манбалари таркибан дарёлар, булоқлар, ер остида жойлашган чучук ва ўртача минераллашган сувлардан иборат. Шундан трансчегаравий дарёлар суви - 56,2 км³, ички дарёлар - 8,3 км³, ер ости сувлари - 2,1 км³, коллектор-дренаж сувлари - 3,6 км³ ни ташкил қилади (2023 йил)⁹. Қишлоқ хўжалигига яроқли суғориладиган ерларнинг 4,3 млн гектари учун йилига 53,6 млрд м³ сув сарф қилинади. Шундан, Амударё ҳавзасида бир гектар майдон учун суғоришга сув истеъмоли 12,5 минг м³, Сирдарё ҳавзасида эса 10,4 минг м³ ни ташкил этади¹⁰.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларига талаб ошиши, талабни қондириш учун сув миқдорининг эса камайиб бориши таъсирида сув етказиб бериш тармоқларида ва, шунингдек, мавжуд анъанавий суғориш усулларини қўллаш жараёнида сувнинг исроф бўлиши ва унинг олдини олиш бўйича чоратадбирларнинг тармоқни инновацион ривожлантириш талабларига мос ишлаб чиқилмаганлиги ва амалиётга изчил татбиқ этилмаётганлиги соҳадаги асосий муаммолардан ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, Марказий Осиёда сўнгги 50-60 йилда музликлар майдони 30 фоизга қисқарган. Мутахассислар ҳарорат 20 °С га ортса музликлар ҳажми 50 фоизга, 40 °Сга ортса 78 фоизга камайишини, реал вазиятда эса 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида сув ресурси 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайишини прогноз қилинган. Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг умумий тақчиллиги 3 млрд куб метрдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд куб метрни, 2050 йилга бориб эса 15 млрд куб метрни ташкил қилиш эҳтимоли прогноз қилинган. Жаҳон табиий ресурслар институти ва Британиянинг “Economist Intelligence Unit” ташкилоти тадқиқотларига кўра 2040 йилга бориб сув танқислигига энг кўп учраши тахмин қилинаётган 33 давлат орасида Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон ҳам бор¹¹.

Масалан, қишлоқ хўжалиги интенсив ривожланган хорижий давлатларнинг диққатга сазовор тажрибаларидан бири сифатида сувтежамкорлик тизимини жорий қилиш ва рағбатлантиришнинг энг самарали усулларида бири бу сувдан пуллик тўлов механизми асосида фойдаланиш ҳисобланади ва бунда қуйидаги муҳим талабларни амалга ошириш тақозо этилади (1-расм).

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, пуллик тўлов механизми асосида сувдан фойдаланиш тизимини жорий қилиш орқали сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишга эришиш мумкин. Бундай тизимга зарурат сўнгги йилларда ёғинганчиликлар миқдорининг нобарқарорлиги, минтақадаги музликлар ва йирик дарёлар ҳавзаларида сув миқдорининг камайиб бориши натижасида охириги 30 йилда аҳоли жон бошига сув таъминоти 3048 м³ дан 1438 м³ га ёки 55 фоизга қисқаргани билан ҳам изоҳланади¹². Масалан, Қашқадарё вилоятида фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори 5430 млн м³ ни ташкил қилиб, шундан 3700 млн м³ сув (75%) Амударё ҳавзасидан, 400 млн м³ Зарафшон

⁹ Ўзбекистоннинг сув ва ер ресурслари. <https://wash.earthforever.org/lib/uz/water.pdf>

¹⁰ Ўзбекистоннинг сув ва ер ресурслари. <https://wash.earthforever.org/lib/uz/water.pdf>

¹¹ <https://uza.uz/ru/posts/ozbekistonda-suvni-tezhash-va-undan-samarali-foydalanishga-yuqori-darazhada-etibor-qaratilmoqda>.

¹² <https://yuz.uz/news/ozbekiston-suv-tejovchi-texnologiyalarni-qay-darajada-qollamoqda>

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишда пуллик тизимни жорий этишдаги муҳим талаблар

Ташкилий тадбирлар	Техник-иқтисодий тадбирлар	Ҳуқуқий тадбирлар
Сув ресурсларига нарх белгилашда ҳудудий шароитларни ҳамда сув истеъмолчиларнинг жойлашган ўрнини ҳисобга олиш.	Сувга нарх белгилашда хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда, ҳар 1 м ³ сув учун тўловларни ҳудудлар кесимида табақали ҳолда белгилаш.	Сув тежамкор технология қўллаган кластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари сувдан фойдаланганда тўловларни 15-20 фоизга камайтириш ёки солиқ чегирмалари бериш.
Вилоят ва туманлар доирасида экинлар турлари билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда сарф қилинадиган сув учун тўловларни бекор қилиш (шўр ювишга). Аммо миқдорни қатъий белгилаш.	Сув истеъмолчилари доирасида фойдаланиш назарда тутилган миқдордан ортиқча сарф қилинган сув учун, тўлов миқдорини (жарима) 1,5-2,0 баробарга ошириш.	Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда оқова сувлардан фойдаланган ҳолатда рағбатлантирувчи коэффициентлар қўллашни ҳуқуқий мустаҳкамлаш.
Сувдан фойдаланишда рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали сув ресурсларини инсон аралашувисиз, шаффоф бошқариш тизими ва “Ақлли сув ҳисоблагич” қурилмаларидан кенг фойдаланиш.	Хўжаликларо ва хўжалик ички гидротехник иншоотларни таъмирлаш, ҳар бир хўжалик ҳудудига киришда сув ўлчаш воситалари ўрнатиш ва сув учун тўлов амалга оширишни йўлга қўйиш.	Сувдан фойдаланишда ҳудуд хусусиятлари ва экин турлари доирасида сув учун тўлов тизимини ҳар йили йиллик ёғингарчиликлар миқдори асосида рағбатлантирувчи асосда кўриб чиқиш.

1-расм. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг пуллик тўлов тизимида амал қилиниши лозим бўлган муҳим талаблар¹³

(5%) ва 1330 млн м³ Қашқадарё (20%) дарёсидан олинади. Демак, вилоят учун сувнинг асосий манбаси трансчегаравий дарёлар ҳисобланади. Аммо, магистрал каналлардан сувнинг сингиб кетиши ва ҳавога буғланиши, хўжаликларо ва ички ирригация шахобчаларида ҳамда бевосита суғориш пайтидаги йўқотишлар мавжуд сув ресурсларининг самарасиз фойдаланилиши ва кўп қисмининг беҳуда исроф бўлишига олиб келмоқда. Хусусан, республика ва Қашқадарё вилояти суғориш ирригация тизимларида сувдан фойдаланишдаги йўқотишлар таҳлили кўрсатишича, магистрал каналларда республика бўйича 3,05 млрд м³, Қашқадарё вилоятида 1,1 млрд м³ сув йўқотилади. Шунингдек, хўжаликларо каналларда сув йўқотилиши республика бўйича 4,9%, Қашқадарё вилояти бўйича 11,1% ни ташкил этади. Демак, Қашқадарё вилоятида жами сув ресурсларининг 26,4%и ва республикада миқёсида эса 11,65%и магистрал ва хўжаликларо каналларда йўқотилмоқда (1-жадвал).

Шу боис ҳам, бугунги кунда ва келгуси даврларда суғориш тизимларини мунтазам таъмирлаб туриш, хўжаликларо ва хўжаликлар ичидаги каналларни бетонлаш ва сув ўлчаш воситаларини ўрнатиш сув исрофгарчилигини бартараф этиш ва олдини олишнинг самарали йўналишларидан бири эканлигини эътироф этиш лозим. Тадқиқотлар кўрсатишича, экинларни суғоришда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва диверсификацияси, ҳудудларнинг табиий-иқлим ва тупроқ

¹³ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

**Республика ва Қашқадарё вилояти бўйича экинларни суғоришда
сув йўқотилиши ҳолати (2023 йил)¹⁴**

Йўқотилиш/фойдаланиш	Республика бўйича ҳажми (йилига, млрд.м³)	Қашқадарё вилояти бўйича ҳажми (йилига, млрд.м³)
Магистрал каналлардаги йўқотишлар	3,05 (6,75%)	1,1 (15,3%)
Бошқа хўжаликлараро каналлардаги йўқотишлар	2,2 (4,9%)	0,8 (11,1%)
Хўжаликлар ичидаги каналлар доирасидаги йўқотишлар:		
1. Сув етказишдаги йўқотишлар	3,56 (7,9%)	1,2 (16,7%)
2. Фойдаланиш пайтидаги йўқотишлар	3,32 (7,35%)	0,7 (9,7%)
Йил давомида сувдан фойдаланиш доирасидаги йўқотишлар:		
1. Шўр ювишда	4,0 (8,9%)	-
2. Суғоришда	29,0 (64,2%)	3,4 (47,2%)
ЖАМИ	45,13	7,2

шароитлари, хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги суғориш тармоқларидаги фильтрация ҳажмини ҳисоблаш ва сувдан тежамкор фойдаланиш имкониятини инобатга олиш асосида сувдан фойдаланиш самарадорлигини услубий баҳолаш мақсадида тадқиқот ишида тегишли таклифлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этиш тавсия қилинди. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳудудлар кесимида сувдан фойдаланиш самарадорлигига баҳо беришда биринчи навбатда ҳудудларнинг сув ва табиий ёғингарчиликлар билан таъминланганлиги, тупроқ шўрини ювиш зарурати ва бошқа шу каби ўзгарувчан хусусиятларига қараб табақали коэффицентларни ҳисоблаш ва қўллашни талаб қилади.

Юқоридаги ҳар бир ҳолат ва шароитлар бўйича муайян ҳудуд (туман)га хос кўрсаткичларни аниқлашда уларни вилоят бўйича ўртача кўрсаткичига нисбатан индекс баҳолаш натижалари келгусида тегишли хулосалар чиқариш ва чоратадбирлар ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамият касб этади. Бунда агар ҳудуд ёки туман кўрсаткичлари вилоят ўртача кўрсаткичидан объектив сабаблар туфайли паст бўлса, демак, ҳудуд ёки туманни ривожлантириш масадида зарур ҳажмда инвестициялар жалб қилиш ва иқтисодий рағбатлантириш дастакларини қўллаш тақозо этилади. Бундан ташқари, ҳудудлар кесимида экинларни суғоришда сув сарфи фарқларини ҳисобга олишда ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароити ва тупроқ хусусиятлари турличалиги, биринчидан, экинларни суғориш меъёрларига амал қилиш, иккинчидан, ҳар бир экин турининг вегетация давридаги сувга бўлган талабини таъминлаш ва ҳудуддаги мавжуд сув ресурсларини мақбул тақсимлаш ва, учинчидан, суғориш тизимлари (канал, лоток ва ш.к.) ва технологияларининг ҳозирги ҳолати, ўтказиш имкониятининг ҳудудлар бўйича фарқ қилиши ҳам сувдан самарали фойдаланишга катта таъсир кўрсатади ва табақалаштирилган коэффицентларни қўллашни талаб қилади (2-жадвал).

¹⁴ GEF, WEMP, A1 компонент. Якуний ҳисобот, 2001

**Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлик
кўрсаткичларини табақали баҳолаш коэффициентларини ҳисоблаш
бўйича услубий ёндашув¹⁵**

Кўрсаткичлар	Мақсади	Формуласи	Бу ерда:
1). Сувдан фойдаланиш фарқларини инobatга олувчи “Худудий тўғриловчи коэффициент” (ХТ)	Ҳар бир худуднинг тупроқ-иқлим ва агротехник тадбирлар ўтказиш хусусиятлари турлича эканлиги боисдан тўғриловчи аҳамиятга эга.	$ХТ = Bk \times Iql.k \times TM \times ES$	<i>Bk</i> -базавий коэфф. (стандарт шароитлар учун $Bk = 1,0$) <i>Iql.k</i> -иқлим коэффициенти (кўп йиллик ўртача ёгингарчилик миқдорига нисбатан); <i>TM</i> -тупроқ, мелиоратив ҳолатини инobatга олувчи коэфф.; <i>ES</i> -сув кўп талаб қилувчи экинлар салмогини ҳисобга олувчи коэфф.
2). Сув фильтрациясини ҳисобга олувчи “Технологик коэффициент” (ТК)	Қишлоқ хўжалигида сув йўқотишларни ҳисобга олиш орқали сувдан фойдаланиш самарасини баҳолаш мумкин.	$TK = \frac{C1 + I + L}{C0 + I + L}$	<i>C0</i> -анъанавий усулда сугорида сув сарфи, м ³ /га <i>C1</i> -тежовчи технологияда сугоришида сув сарфи, м ³ /га <i>I</i> - каналларда сувнинг сизиб кетиши, м ³ /га <i>L</i> - ички ариқларда сув сизиши, м ³ /га
3). Сув тежаш даражасини ҳисобга олувчи “Сув тежамкорлик коэфф.,” (STK)	Экинларни сугоришда сувдан фойдаланиш ва сув тежамкорлик чоралари самараси баҳоланади.	$STK = \frac{C1}{C0}$	<i>C1</i> – худуд доирасида сув тежовчи технологиялар қўлланилган экин майдонлари миқдори, га; <i>C0</i> – худуд доирасидаги жами сугориладиган экин майдонлари миқдори, га;
4). Сув сарфини баҳолашда “Шўр ювишда сув сарфини ҳисобга олувчи коэфф.,” (ShK)	Шўр ювишга сарфланган сувни ҳисобга олишда тўғриловчи коэффициент ҳисобланади.	$ShK = \frac{FSS \times Ym}{SSS \times Sm}$	<i>FSS</i> - амалда шўр ювиши учун сарфланган сув сарфи, м ³ ; <i>SSS</i> - сугориши учун сув сарфи, м ³ . <i>Ym</i> ва <i>Sm</i> - меъёрга нисбатан (шўр ювиши ва сугориши) сув сарфини инobatга олувчи коэффициентлар - (амалдаги миқдор меъёрга нисбатан)
5). Экинларнинг “Сув билан таъминланганлик коэфф.иенти” (STD);	Экинларни сугоришда сув таъминоти ҳолатига меъёрлар асосида баҳо бериш имконини беради.	$STD = \frac{HSS}{MBS}$	<i>HSS</i> - ҳақиқатда экинларга сарфланган сув миқдори, м ³ . <i>MBS</i> - ўсимликларга меъёр асосида берилиши керак бўлган сув миқдори, м ³ .
Кўрсаткичлардан фойдаланиш механизми:	<p>Ҳар бир кўрсаткич бўйича худудлар кўрсаткичи вилоят ўртачасига нисбатан баҳоланади. Бунда тегишли кўрсаткичлар вилоят ўртачасидан обектив сабаблар билан ёмонлашганда худудга нисбатан тегишли йўналишда рағбатлантириши қўлланилади.</p>		

Тавсия этилган бу коэффициентлар асосида сувдан фойдаланиш жараёнини кузатиш ва баҳолаб бориш орқали худудлар кесимида сув истеъмолчиларига

¹⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан таклиф этилган.

нисбатан тегишли рағбатантириш механизмларини қўллаш мумкин бўлади. Бунда уларни сув тежаш тадбирларини амалга оширишлари учун ташкилий, молиявий ва технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда сув тежамкорликда эришилган натижалари учун табақали рағбатлантириш назарда тутилган бўлиб, бу услубий ёндашув келгусида сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш имконини яратиш нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бошқариш тизимини такомиллаштиришда, жумладан, Испания, Япония, Хитой ва Исроил каби давлатларнинг илғор тажрибалари эътиборга молик бўлиб, улар асосида республикада қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Исроил давлатида суғориладиган майдонларда сув тежовчи технологиялар тўлиқ жорий қилинган бўлса, АҚШда бу кўрсаткич 53,0%ни, Мисрда 36%ни, Қозоғистонда 14%ни, Туркияда 12%ни, Хитойда эса 6,7%ни ташкил этган. Ёмғирлатиб суғориш усули асосан Россия, АҚШ, Хитой ва Ҳиндистон давлатларида кўпроқ фойдаланилади (3-жадвал).

3-жадвал.

Қишлоқ хўжалигида сув тежамкор технологиялар жорий қилган айрим давлатлар кўрсаткичлари¹⁶.

Давлатлар	Жами суғориладиган майдон, млн га	Шундан			
		Томчилатиб суғориш усули		Ёмғирлатиб суғориш усули	
		млн.га	%	млн.га	%
Исроил	0,231	0,2	75,6	0,1	25,4
АҚШ	26,40	1,6	6,64	12,4	50,0
Россия	4,50	0,02	0,4	3,5	77,8
Хитой	69,01	1,7	2,8	2,9	4,5
Ҳиндистон	60,9	1,9	3,1	3,1	5,0
Испания	3,41	1,6	47,8	0,7	21,5

Ҳозирда мамлакатимизда жами 4,3 млн.га суғориладиган ерларнинг 30%ига сув тежовчи технологиялар жорий қилинган. Ушбу технологиялар кластер ва фермер хўжаликларида сувни 30-40%га, ўғит ва ёқилгини 25-30%га тежаш ҳамда ҳосилдорликни 1,2-1,5 марта ошириш имконини яратмоқда. Аммо, Қашқадарё вилоятида сувтежамкор усулда суғориладиган ерлар атиги 16%ни ташкил этади. Сув тежаш имконини берувчи энг арзон бўлган ерни лазерли текислаш ҳам етарли даражада йўлга қўйилган эмас. Бундай майдонлар Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида 10%дан кам майдонларда қўлланилади¹⁷.

Шу жиҳатдан, сув ресурсларини тежаш борасидаги хорижий тажрибалардан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, жумладан, экинларни суғориш жараёнида, айниқса, томчилатиб суғориш технологиясида минерал ва органик ўғитларни суюлтирилган ҳолда қўллаш орқали ҳам сув, ҳам ўғитлар сарфини

¹⁶ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 29 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. <https://president.uz/uz/lists/view/6894>

камайтириш ва, энг асосийси, экинлар ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари яратиб берилади (4-жадвал).

4-жадвал.

Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялар доирасидаги хорижий тажрибаларни республикамізда қўллаш имкониятлари¹⁸

Сув тежовчи технологиялар борасидаги хорижий тажрибалар	Ўзбекистонда хорижий тажрибаларни қўллаш имкониятлари
<p>Хитой тажрибаси: Экинларни суғоришда баҳор ойларида сел сувларини тўплаш, тўпланган сел сувларидан экинларни суғоришда фойдаланиш самарали усуллардан бири ҳисобланади. Ёмғир пайтида тўпланган сув қишлоқ хўжалиги ерларига йўналтирилади.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● сел сувларини тўплаш ва тўпланган сув билан суғориш усули ёғингарчилик кўп бўлган йилларда сезиларли самара беради. Айниқса мамлакатимизда 2024 йил баҳоридаги ёғингарчиликдан фойдаланиб ёмғир сувларини тўплаш орқали экин майдонларда 2 ва 3 мартагача ҳосил олишга имкон беради.
<p>Исроил тажрибаси: Сувни бошқаришда хусусий компания (юқори технологияли Mekotot компанияси) Исроилнинг 90 фоиз ичимлик сувини етказиб беради ва 80 фоиз сув таъминотини бошқаради. Унинг шўъба корхонаси EMS Mekotot Projects зарур ускуналарни ўрнатиш, синовдан ўтказиш, оқова сувларни тозалаш, шўрсизлантириш, ёмғир сувидан фойдаланишда ечимлар тақдим этади.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● мамлакатимизда сув ресурсларини бошқаришда хусусий тармоқ билан ДХШ асосида ишлаш имкони кенг. Каналларидан фойдаланишда, сув олиш қулоқларида “SMART WATER” ва “Драйвер” қурилмаларини ўрнатишда, хўжаликлар даласига киришда сув ўлчаш воситаларини ўрнатиш, суғоришда сув тежамкор технологияларни жорий этишда ва уларга хизмат кўрсатишда ДХШ имкониятидан кенг фойдаланиш лозим.
<p>Исроил тажрибаси: Оқова сувларининг қайта қўлланилиши ва сув сарфини камайтиришнинг энг самарали механизми сифатида сувдан пуллик асосида фойдаланилади. Бир м³ суғориш суви нархи 2014 йилда 0,57 АҚШ долларини (7222 сўм) ташкил этган.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида оқова сувларни суғоришга қўллаш тизими мавжуд эмас. Бунда оқова сувларни тоза дарё суви билан аралаштириб суғоришга бериш қўшимча сув манбаларини юзага келтиради. Оқова сувларни самарали тозалаш технологияларини жорий қилишга молиявий рағбат пайдо қилади.


Масалан, катта майдонга эга қурғоқчил ҳудудлари мавжуд бўлган Хитой тажрибасининг кўрсатишича, республикаміз учун долзарб бўлган қўшимча сув манбаларидан бири бу куз, қиш ва баҳор мавсумларидаги ёмғир ва қор сувларини тўплаш орқали қўшимча суғориш сувлари захирасини яратиш ҳисобланади. Бу тадбир республикамізнинг адир, тоғ ва тоғолди ҳудудларидан оқиб келадиган сел сувларини тўплаш ва тўпланган сув билан тежамкор суғориш усулларидан фойдаланиш айниқса ёғингарчиликлар кўп бўлган йилларда сезиларли самара беради. Жумладан, мамлакатимизда 2024 йил баҳоридаги катта миқдордаги ёғингарчилик сувларини тўплаш орқали экин майдонларини 2-3 марта суғориш захирасини яратиш ва қўшимча ҳосил олиш имконини беради. Бундан ташқари бугунги кунда республикамізда эътибор берилмаётган йўналишлардан бири

¹⁸ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

оқова сувлардан фойдаланиш ҳисобланади ва ушбу манбадан тўлиқ фойдаланиш учун тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш ва инвестициялар жалб этиш лозим.

Диссертациянинг “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асослари” деб номланган иккинчи бобида сув тежовчи усул ва технологиялардан фойдаланишда молиявий рағбатлантириш тизимининг илмий асослари, қишлоқ хўжалигининг сув билан таъминланганлик даражасини баҳолаш услубиёти, сув тежовчи технологиялар жорий этишга йўналтириладиган инвестициялар самарадорлигини ҳисоблаш усуллари бўйича илмий-амалий хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Бизнингча, биринчи навбатда республикамиз қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишдаги куйидаги асосий муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга (2-расм).



2-расм. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича асосий йўналишлар (тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган).

Ҳозирги кунда республикада сув тежовчи технологиялар жорий қилишни рағбатлантириш тизими мавжуд бўлсада, бироқ, уни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш объектив заруриятга айланмоқда (5-жадвал).

5-жадвал.

Сув тежовчи технологиялар қўллашни иқтисодий рағбатлантириш тизими ва уни такомиллаштириш йўллари¹⁹

Иқтисодий рағбатлантириш тизимининг мавжуд ҳолати	Иқтисодий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш (таклиф)
<p>■ фермерлар томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланаётган бўлса, ўша майдонда тежамкор тизим жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга ер солиғидан озод қилинади.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● ушбу тизимни фақат фермерлар учун эмас, балки деҳқон ва томорқа хўжаликлари учун ҳам жорий қилиш; ● ёмғирлатиб, дискерт ва бошқа усуллари қўлланганда ҳам беш йил муддатга ер солиғини тўлашдан озод этиш.
<p>■ 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон қарор билан пахта экиладиган майдоннинг ҳар бир гектари учун 8 млн сўм миқдорида субсидия ажратиш белгиланган.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● суғоришнинг субирригация усули, дискерт, полиэтилен плёнка билан мўлчалаб суғориш ва эгиловчан ва кўчма қувурларни жорий этган пахта, ғалла майдонларида ҳам 10-12 млн сўмгача субсидия ажратиш (худудларни жойлашган ўрни, иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда қўшимча субсидия миқдорини белгилашни тавсия этамиз); ● субсидияларни белгилаш ва беришда вазириликларни аралашишини чеклаш ва маҳаллий ҳокимиятларнинг рухсати орқали амалга ошириш.
<p>■ 2021 йил 23 февралдаги ВМҚ-95-сонли қарорга кўра томчилатиб суғориш тизимлари жорий этилган озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар ва доривор ўсимликлар майдонларга – 2,5 млн, сабзавот ва картошка учун – 1,5 млн, полиз учун- 1,3 млн сўмгача субсидиялар ажратиш белгиланган.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● сабзавот, полиз ва картошка етиштиришда худудлар иқлим, сув таъминоти даражаси ва сувтежамкор усуллар (плёнка тўшаб, ер остидан суғориш, дискерт суғориш каби) учун ҳам субсидиялаш лозим. Субсидия худуд хусусиятлари ва тежовчи технологиялар сарфининг камида 40 фоизини қоплашни назарда тутиш лозим.
<p>■ узум плантацияси яратишда томчилатиб суғориш усулини жорий қилишга ҳар бир гектар учун 8 млн сўм субсидия ажратиш;</p> <p>■ янги боғ ва иссиқхоналарда сув тежовчи усуллар жорий қилишда ҳар гектар учун 6 млн. сўмдан субсидия ажратилади. (2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246 сон қарор)</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● боғ ва тоқзорларда рақамли “Ақлли сув” тизимини жорий қилишни рағбатлантириш лозим. Бунда ўрнатиш харажатлари учун субсидиялар камида 1 гектар учун 12-15 млн сўмни ташкил қилиши лозим.
<p>■ юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритувчи деҳқон хўжаликлари сувдан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган деҳқон хўжаликларини сув тежовчи технологияни (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискерт ва ер остидан суғориш) жорий этганда 5 йилгача солиқ тўлашдан озод этиш мақсадга мувофиқ.
<p>Сувтежамкор технологияларни жорий қилиш юзасидан таклифлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> ● сув тежовчи технологиялар «бир канал-бир тизим» тамойили асосида жойлаштириш ҳамда ўрнатиш, таъмирлаш ва тиклаш учун худудларда хусусий ёки ДХШ асосида сервис марказларини ташкил этишни йўлга қўйиш; ● томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган майдонларда, ускуналарнинг алмаштириладиган (томизгичли шланглар) қисмларини маҳаллийлаштириш мақсадида худудларда кичик корхоналар ва цехлар фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилади. 	

¹⁹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Сувтежамкор технологиялар жорий қилиш ва иқтисодий рағбатлантириш юзасидан берилган юқоридаги таклифлар, бизнингча, аввало, ҳозирда сувдан фойдаланиш тизимидаги асосий муаммо, яъни, қишлоқ хўжалигига сув етказиб бериш ва истеъмол қилишдаги самарасиз йўқотишларларни бартараф этишга имконият яратади. Хусусан, мамлакатимизда бир гектар пахта майдонига ўртача 12-14 минг м³ сув сарфланса, Исроилда бу кўрсаткич 5 минг м³ га тенг, аммо, пахта ҳосилдорлиги ушбу давлатда 50 ц/га ни ташкил этган, Ўзбекистонда эса 2023 йилда 33 ц/га атрофида бўлган, демак, гектар ҳисобига 17 ц ёки 34%га кам бўлган. Шу боис, тадқиқот жараёнида Қашқадарё вилояти Ғузур туманидаги фермер хўжаликлари маълумотлари асосида пахта мисолида анъанавий эгатлаб ва томчилатиб суғориш усуллари бўйича таққослама ҳисоб-китоблари амалга оширилди ва қуйидаги натижалар олинди (6-жадвал).

6-жадвал.

Ғузур тумани фермер хўжаликларида пахтани суғориш усуллариининг таққослама таҳлил натижалари²⁰ (2023 йил 1 га ҳисобига)

Кўрсаткичлар	Суғориш усуллари:				Тежалган:	
	Анъанавий эгатлаб суғориш		Томчилатиб суғориш			
	Физик миқдори	Қиймати (минг сўм)	Физик миқдори	Қиймати (минг сўм)	минг сўм	м ³ , кг, литр, метр, кВт
Сув сарфи, м ³ /га	6150	3287,8*	2350	1256,3*	+2031,5	+3800
Уруғлик сарфи, кг/га	60	7200	60	7200	-	-
Ёқилғи сарфи, л/га	138	1421	84	865	+556,0	+54
Минерал ўғит сарфи, кг/га	1210	4633,5	620	3537,5	+1096,0	+590
Электр энергия сарфи, кВт/соат	2970	1336	896	403	+933,0	+2074
Томчилатиб суғориш учун кетган жами харажатлар, минг сўм	х	х	х	20604,5	х	х
Бир йиллик харажат (5 йилда қопланиши ҳисобига), минг сўм	х	х	х	4120,9	- 4120,9	х
Ҳосилдорлик, ц/га	24,2	780	34,4	780	-	+10,2
1 м ³ сув ҳисобига олинган ҳосил, кг	0,4	3,120	1,5	11,7	+8,58	+1,1
ЖАМИ					+504,18	

*Изоҳ: олинган 1 м³ сув таннархи 534,6 сўм (эксплуатация харажатлари)

Бунда, анъанавий усулда пахта майдонининг 1 гектарига 6150 м³ сув, 60 кг чигит, 138 литр ёқилғи, 1210 кг минерал ўғит сарфланган бўлса, анъанавий усулга нисбатан томчилатиб суғориш усулида гектарига 3800 м³ сув, 54 литр ёқилғи ва 590 кг минерал ўғитлар тежалган. Шунингдек, Қарши туманидаги

²⁰ Ғузур тумани қишлоқ хўжалиги бўлими маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

“Саидахмад ўғли Анвар” фермер хўжалигида 2021-2023 йилларда 1 га пахта экин майдони ҳисобига томчилатиб суғориш усули сув сарфини 35-40% тежашга имкон берган²¹.

Қишлоқ хўжалигида сув танқислиги таъсирини юмшатиш ва камайтириш мақсадида ирригация тармоқлари ва иншоотларини таъмирлаш-тиклаш, сув тежовчи технологияларни қўллаш, қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш жараёнини рақамлаштириш натижасида, масалан, 2023 йилда вилоятда 1501 млн м³ сув тежалган ва унинг ҳисобига вилоятда яна 250 га ерни қўшимча сув билан таъминлаш имконияти яратилган. Республика бўйича эса бу кўрсаткич 12046 млн м³ ни ташкил этганлиги ҳисобга олинса, демак, келгусида сув тежовчи технологияларни қўллаш билан бир қаторда қуйидаги муҳим чора-тадбирларни амалга оширишга ҳам устувор эътибор қаратиш лозим (7-жадвал).

7-жадвал.

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги²² (2023 й.)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Республика бўйича	Қашқадарё вилояти бўйича
1.	Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш			
а)	майдони	минг га	400	42
б)	жами тежалган сув	млн м ³	3103	368
с)	1 га ҳисобига тежалган сув	м ³ /га	7757,5	8761,9
2.	Ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш тадбирлари			
а)	узунлиги	минг км	5034	296
б)	жами тежалган сув	млн м ³	3301	418
с)	1 га ҳисобига тежалган сув	м ³ /км	655,74	1412,16
3.	Қўшимча агротехник тадбирлар			
а)	майдон	минг га	1635	240
б)	жами тежалган сув	млн м ³	1705	216
с)	1 га ҳисобига тежалган сув	м ³ /га	1042,8	900,0
4.	Сувни кам талаб қиладиган экинларни жойлаштириш			
а)	майдон	минг га	454	20
б)	жами тежалган сув	млн м ³	2714	344
с)	1 га ҳисобига тежалган сув	м ³ /га	5977,97	17200
5.	Ерларни лазерли текислаш			
	майдон	минг га	200	9
	жами тежалган сув	млн м ³	652	83
	1 га ҳисобига тежалган сув	м ³ /га	3260	9222,22
6.	АКТ ва рақамли технологияларни жорий қилиш			
а)	объект сони	дона	8350	578
б)	жами тежалган сув	млн м ³	572	72
с)	1 га ҳисобига тежалган сув	м ³	68503	124567
	Жами иқтисод қилинган сув	млн м³	12046	1501

Хулоса қилиб айтганда, ушбу муҳим чора-тадбирларни изчил ва самарали амалга ошириш яқин келажакда қишлоқ хўжалигини инновацион ва барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади деб ҳисоблаймиз.

²¹ Қарши тумани “Саидахмад ўғли Анвар” фермер хўжалиги маълумоти.

²² Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил маълумотлари асосида тузилган.

Диссертация ишининг “Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва ўзгариш тенденциялари” деб номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар, соҳадаги кадрлар таъминоти, улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ҳамда ташкилий тузилма сифатида тежамкорликни таъминлашда СИУлар фаолияти таҳлил қилиниб, хулосалар тайёрланган.

Тадқиқот кўрсатишича, 2023 йилда барча манбалардан олинган сув миқдори туманлар чегарасига етгунча 16,0% ва туманлар чегарасидан хўжаликлар экин ерларигача 10,0% сув йўқотилган. Демак, 2023 йилда жами манбалардан олинган сув то хўжаликлар даласигача етиб боргунга қадар 26,0% ёки 779,5 млн м³ сув беҳуда йўқотилар экан. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йилни сув хўжалигида “Каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил” деб эълон қилиниши, 2024 йилда 1500 км, яъни, ўтган йилга нисбатан 4 баробар кўплаб йирик каналларни бетонлаш вазифаси белгиланган. Республика бўйича 2025 йилдан бошлаб камида 2 минг км каналларни бетонлашга ўтилиши²³ сув сарфини сезиларли камайтиришга замин яратиб беради. Ҳозирги кунда эса сув йўқотилишларининг энг катта қисми суғориш тизимларига хос бўлиб, бу кўрсаткич ўртача 45%ни ташкил этади. Қолган 55% сув хўжаликларга экинларни суғоришга берилади, аммо, унинг яна 30%и суғориш жараёнида исроф бўлади, фақатгина 25% сув экинларни суғоришга етиб боради²⁴ (8-жадвал).

8-жадвал.

Қашқадарё вилоятида ўсимликларнинг вегетация даврида берилган сув миқдори ва унинг йўқотилиш даражаси бўйича таҳлилий маълумот²⁵

Кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	Йиллар:					
		2010	2015	2020	2021	2022	2023
Манбалардан олинган жами сув миқдори	млн. м ³	4222,3	3978,2	5641,2	2829,0	2998,1	2998,0
Амалда берилган	%	100	100	100	100	100	100
Туманларга берилган сув	млн. м ³	3725,3	3590,7	5037,6	2513,4	2622,6	2533,1
Манбадан тумангача сувнинг йўқотилиши	%	11,8	10,0	10,7	11,2	12,5	16,0
Хўжаликларга берилган сув	млн. м ³	3387,4	3242,8	4463,3	2191,7	2362,8	2283,2
Тумандан хўжаликларгача сув йўқотилиши	%	9,0	9,7	11,4	12,8	10,0	10,0

8-жадвал маълумотлари жами манбалардан олинган сув миқдори, унинг туманларга ва маҳсулот етиштирувчи хўжаликларгача етказиш жараёнида исроф бўлиш даражасининг юқорилиги сув тежамкор техника-технологиялар ҳамда 7-жадвалда асослаб берилган муҳим чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда соҳа фаолиятига боғлиқ малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни мутахассислиги

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 ноябрдаги селектор йиғилишида сўзлаган нутқи.
<https://president.uz/uz/lists/view/6894>

²⁴ ФАО маълумотлари, 2022 й.

²⁵ Аму-Қашқадарё ИТХБнинг маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

бўйича ишга жойлаштириш ва рағбатлантириш ҳозирги кунда устувор аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Шу боисдан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида (ЎРҚ-637-сон, 23.09.2020 й.) гидротехник иншоотлардан самарали фойдаланиш, таъмирлаш, лойиҳалаш ишларини сифатли бажара оладиган мутахассис кадрлар тайёрлаш вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифа ижросини самарали таъминлаш учун тадқиқот жараёнида сув хўжалиги соҳаси мутахассислари малакасини мунтазам ошириб бориш, битирувчи талабаларни ишга жойлаш, уларнинг тажрибаси ва малакасини ошириш каби масалаларни ҳал қилиш имконини берувчи давлат-хусусий шериклиги асосида “Таълим-Меҳнат-Касбий ривожланиш маркази” (Center EWPД Education-Work-Professional development)”ни ташкил этиш ва унинг фаолият юритиш механизми тавсия этилган (3-расм).



3-расм. “Таълим-Меҳнат-Касбий ривожланиш маркази (Center EWPД)” фаолиятини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш модели²⁶

Жумладан, вилоятларда ташкил этиладиган мазкур марказ тегишли олий таълим муассасасининг маркетинг бўлими билан шартнома тузади ва ҳар бир

²⁶ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тақлиф этилган.

битирувчи ҳақидаги маълумотларни компьютер дастури асосида рўйхатга олади. Тузиладиган шартномада мутахассисни амалиётга тайёрлаш (адаптация қилиш) учун уч томонлама ўзаро келишув имзоланади. Бунда маҳаллий сув хўжалиги тузилмалари, ОТМлар ва Марказ иштирокида талабанинг 3-курсдан кейинги таълим контрактини тўлаш шарти билан индивидуал тарзда амалга оширилади. Демак, Center EWPD ёш кадрларнинг ҳам таълим, ҳам лавозимга эришишини қўллаб-қувватлаш имконини берадиган ташкилот сифатида муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, марказни жойлаштириш, молиялаш манбаларини шакллантириш, унинг мақсадли махсус аудиторияларини жиҳозлаш каби вазифалар уларнинг ўзаро манфатли ҳамкорлик қилиш стратегияларига ҳам боғлиқ бўлади.

Шу билан бирга, тадқиқот ишида фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, агрокластерлар ҳамда бошқа сув истемолчилари уюшмаси (СИУ) фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида ўрин ажратилди. Аммо, таҳлиллар кўрсатишича, суғориш тармоқлари, улардаги гидротехник иншоотлар ва сув олиш жойлари техник ҳолати, ўзаро сув хўжалиги муносабатлари, сувнинг ҳисоб-китобини юритиш ва хўжаликлараро сув тақсимотини мувофиқлаштириш билан шуғулланувчи ҳозирги Сув истемолчилари уюшмалари (СИУ) фаолияти хўжалик субъектлари талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Масалан, Қашқадарё вилояти СИУларида ўтказилган монографик тадқиқот кўрсатишича, уларнинг сони 2021 йилда 2005 йилга нисбатан 121 тага (10,1 марта), улар томонидан кўрсатилган хизматлар эса 38%га камайган. Кўрсатилган хизматлар тўловларини ундириш 2021 йилда 17%га бажарилган бўлса, бу кўрсаткич 2018-2019 йилларда 9%ни ташкил этган ёки 8 пунктга камайган (9-жадвал).

9-жадвал.

Қашқадарё вилоятида СИУлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми ва улар бўйича тулов ундириш ҳолати²⁷

Йиллар	СИУлар сони, дона	Шартнома қиймати, млн. сўм	Кўрсатилган хизмат, млн. сўм	Шартномага асосан хизмат кўрсатиш, %	Ундирилган маблағ, млн. сўм	Маблағ ундириш ҳолати, %
2005	134	1399,1	1399,1	100	657,0	47
2010	172	1650,0	1650,0	100	478,5	29
2015	152	1500,0	1500,0	100	352,5	23
2016	152	2400,0	2400,0	100	450,8	19
2017	152	3200,0	3200,0	100	384,5	12
2018	152	5800,0	4500,0	77,5	412,5	9
2019	152	10150,0	7000,0	69,0	655,0	9
2020	13	19140,0	11300,0	59,0	2100,0	19
2021	13	31050,0	19240,0	62,0	3300,0	17
2021 й. 2005 й.га нисбатан, (+;-)	-121	29650,9	17840,9	-38	2643	-30

СИУлар фаолиятининг SWOT-таҳлили кўрсатишича, уларнинг кучли ва заиф томонлари асосида тегишли тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади.

²⁷ Аму-Қашқадарё ИТХБ маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Хусусан, улар моддий-техник базасининг ўта қониқарсиз аҳволда эканлиги ва мутахассислар малакаси талабларга жавоб бермаслиги кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатида ўз аксини топади. Ҳозирги кунда эса шу кўрсаткичлар бўйича натижа аниқ, яъни, сув истеъмолчилари СИУлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ва турларидан норози, шу сабабдан ҳам хўжаликлар хизмат тўловларини ўз вақтида амалга оширишмайди ёки умуман тўламайди (4-расм).

<p>Кучли томонлари – (S):</p> <ul style="list-style-type: none"> ● сув истеъмолчиларига сув етказиб беришда ягона хизмат тури эканлиги; ● турли субъектлар ўртасида сувдан фойдаланиш муносабатларини тартибга солишга реал эҳтиёж мавжудлиги; ● маҳаллий ижро ҳокимияти билан бирга ўз ҳисобидаги суғориш тармоқлари, гидротехник иншоотларни таъмирлаш ва тиклаш, сув сарфини ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашни ташкил этишдаги имкониятлари. 	<p>Заиф томонлари – (W):</p> <ul style="list-style-type: none"> ● молиявий аҳволи ёмонлиги ва натижада моддий-техник базаси заифлиги; ● нодавлат ва нотижорат ташкилоти эканлиги, барча вазифаларни ўзи бажариши; ● СИУлар фаолиятини самарали тартибга солувчи ҳуқуқий база такомиллашмаганлиги; ● малакали кадрлар таъминоти паст ва жозибасиз ҳисобланиши меҳнат шароити; ● ўз қорларининг ижросини таъминлашда ҳуқуқий таъсир қилиш дастаклари йўқлиги;
<p>Имкониятлар – (O):</p> <ul style="list-style-type: none"> ● хўжаликларга сув етказиб беришда ягона хизмат тури эканлиги, қўшимча молиявий ресурслар жалб қилишга микон бериши ; ● сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги ҳамда маҳаллий ижро ҳокимият органлари билан бирга сув олиш лимити, тақсмоти ва ундан фойдаланиш тартибларини жорий қилиш; ● сув тақсмотида ягона хизмат эканлиги боис сувдан фойдаланишни тартибга солишда таъсир қилиш имкониятлари кенглиги; 	<p>Таҳдидлар – (T):</p> <ul style="list-style-type: none"> ● сувдан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқий базанинг тез ўзгариб туриши; ● сувдан фойданувчиларда сув тежамкорлик маданияти ва кўникмалар шаклланмаганлиги; ● сув ўлчаш жиҳозлари етишмаслиги ва соҳа рақамлашмаганлиги ортиқча сув сарфига олиб келиши ва уни назорат қилиш имкони йўқлиги; ● хўжаликлараро ва ички ирригация ҳамда мелиорация иншоотларининг тежамкорлик тизимига жавоб бермаслиги.

4-расм. Қашқадарё вилояти СИУлар фаолиятидаги муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган SWOT таҳлили²⁸

Аслида сувни тежайдиган суғориш техника ва технологияларини амалиётга жорий қилишга кўмаклашиш, сувчилар билимларини ошириб бориш, фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларида сувдан самарали фойдаланишга оид мавсумий тадбирларни йўлга қўйиш каби масалалар СИУлар эътиборидан четда қолмоқда ва бу вазифаларни эса бугунги кунда хусусий фирмалар амалга оширишмоқда. Туман ирригация бўлимлари таркибида сув истеъмолчиларига сув етказиш, хўжаликлараро суғориш тармоқларидан самарали фойдаланиш, уларни тиклаш ва таъмирлаш, бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш ишларини ташкил қилиш бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган “Маҳсус хизмат” ташкил этиш самарадорлиги у кўрсатаётган хизмат турларига сув истеъмолчиларининг тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширишларига бевосита боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари”** деб номланган тўртинчи бобида сув хўжалиги тармоғи ва субъектлари фаолиятини рақамли

²⁸ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.


технологиялар асосида инновацион ривожлантириш, сув тежовчи технология ва усулларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш тадбирларини кооперация муносабатлари асосида ташкил қилиш йўналишлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар, шунингдек, сувтежамкор технологиялардан фойдаланишнинг 2030 йилгача прогнози ишлаб чиқилган.

Жумладан, “Ақлли сув” қурилмалари ва сув сарфини ўлчаш воситаларини ўрнатиш сув хўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш, туман чегарасигача етказиб берилётган сувни онлайн кузатиш ва ҳисоблашга эришилади. Шунинг билан бир қаторда келажақда сувдан фойдаланиш жараёнларида “сунъий интеллект”га асосланган техник-технологик воситаларни татбиқ этиш орқали инсон омилини камайтириш, сувни етказиш тизими барча бўғинларида сув исрофининг олдини олиш, сув сарфини мақбуллаштириш ва оператив бошқариш имконияти яратилади. Республикада 2021 йилда сув хўжалиги объектларига 5567 та замонавий АК технологиялари, жумладан, 3099 та “Ақлли сув”, 426 та насос станциясига сув миқдорини ўлчаш ва 2022 та мелиоратив кузатув қудуғига сизот сувлар кўрсаткичи ва ерларнинг минераллашганлик даражасини онлайн назорат қилиш қурилмаси ўрнатилган. Шунингдек, 20 та сув хўжалиги объектини автоматлаштириш натижасида 771,0 млн м³ сув тежалишига эришилган.

Тадқиқот ишида, шунингдек, ҳозиргача инсон томонидан амалга оширилиши мумкин бўлмаган, масалан, экинларни суғоришда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳисобига сув тежаш захирасини аниқлаш ва сарфини реал режимда сув истеъмолчилари кесимида тақсимлаш ва назорат қилиш имконини берувчи ҳамда сув хўжалиги соҳасини рақамлаштириш мақсадида Қашқадарё вилояти сув хўжалиги тизимида “GidroSMART SISTEM” платформаси яратилди ва жорий этиш тавсия қилинди. Мазкур платформа илмий маҳсулот сифатида Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан “Олима аёллар лойиҳалари” танловлари доирасида молиялаштирилган (01.08.2024 й., AL-7823051503-рақамли) ҳамда муаллиф раҳбарлиги ва бевосита иштирокида амалга оширилатган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги соҳасида рақамлаштириш платформаси ва онлайн мониторинг тизими “Gidro SMART SISTEM” ахборот тизими” лойиҳасини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш имконияти пайдо бўлди.

Мазкур рақамли платформа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, агрокластерлар ва бошқа корхоналар кесимида экин турлари ва навларини мақбул жойлаштириш, сувтежамкор усул ва технологиялардан фойдаланиш ҳолатини баҳолаш, етказиб берилётган сув сарфи ҳисобини юритиш ва хўжаликларнинг юқори даромад олиш имконини яратади. Бунда сув олиш нуқтаси орқали истеъмолчиларга бериладиган сувни автоматик мониторинг қилиш ва дастурий рақамли технология асосида сувдан фойдаланиш жараёни назорат қилиб борилади (5-расм).

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган ва сув хўжалигини рақамлаштириш орқали сувдан ва ирригация тармоқларидан фойдаланиш сарф харажатларини



5-расм. Қашқадарё вилояти сув хўжалиги тизимининг рақамли онлайн платформаси ва таркибий тузилиш модели²⁹

камайтириш имконини берувчи ушбу платформага Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк маркази томонидан гувоҳнома олинди (ЭХМ учун ДГУ (серияси - № DGU 47479, талабнома рақами - DT 202500706. 01.02.2025 й.). Мазкур платформа бугунги кунда вилоятнинг Аму-Қашқадарё ИТХБ томонидан ҳавза бошқармаси фаолиятини рақамли иқтисодиёт шароитига мос ташкил этиш учун қабул қилинган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу платформани бошқа ўзаро боғлиқ ва тўлдирувчи платформалар билан трансформациялаш, келгусида сув ресурслари захираси ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омил ва воситалар асосида кўп вариантли прогноз сценарийлари ва сув тежаш параметрларини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

Зотан, сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотларда мамлакатимизда яқин келажакда сув танқислиги 7 млрд м³, 2050 йилга бориб эса 12-13 млрд м³ бўлиши тахмин қилинмоқда. Шу нуқтаи назардан, Қашқадарё вилоятида 2013-2023 йиллар давомида сувтежамкор технологиялар жорий қилинган майдонлар ва сув сарфи қайси технологиялар ҳисобига тежалганлик даражасини аниқлаш учун эконометрик моделлаштириш усулларида фойдаланилди ва 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари ишлаб чиқилди (10-жадвал).

²⁹ Муаллиф томонидан тақлиф этилган.

**Қашқадарё вилоятида 2024-2030 йилларда сув тежовчи технологиялар
қўлланилган майдон ва тежалган сув ҳажми прогнози³⁰**

Йиллар	СТТ асосида сув тежаш, (млн м ³) кўп омилли модел прогнози	СТТ асосида сув тежаш, (млн. м ³) тренд модел прогнози	Шундан, (га)			
			Томчила- тиб суғориш	Қувурлар орқали суғориш	Эгатга плёнка тўшаб суғориш	Ёмғир- латиб суғориш
	Ҳ ₃	Ҳ ₃	Х ₈	Х ₉	Х ₁₀	Х ₁₁
2024	122,0097	117,5143	27494,675	14922,6	4002,221	2199,95
2025	138,8824	135,56	36715,788	16068,9	4265,961	2637,378
2026	156,3725	154,9485	47769,029	17215,2	4529,701	3113,662
2027	174,4574	175,6798	60817,076	18361,5	4793,441	3628,802
2028	193,1167	197,7539	76022,607	19507,8	5057,181	4182,798
2029	212,3318	221,1708	93548,3	20654,1	5320,921	4775,65
2030	232,0855	245,9305	113556,833	21800,4	5584,661	5407,358
2025/2024	1,13829	1,15356	1,33538	1,07682	1,06589	1,19883
2030/2024	1,90219	2,09277	4,13014	1,46089	1,39539	2,45794

Демак, прогноз кўрсаткичлари таҳлили экинларни суғориш технологияси қўламини 1%га ошириш ҳисобига сув сарфини 0,755%га тежаш мумкинлигини кўрсатди. Сув тежовчи технологиялар ҳисобига тежалган сув ҳажми (млн м³), масалан, тренд модели натижасига асосан 2024 йилга нисбатан 2025 йилда 1,154 ва 2030 йилга бориб эса 2,093 баробарга ошиши аниқланди. Кўп омилли прогноз меделига кўра эса, юқорида таққосланган даврлар учун ушбу кўрсаткичлар мос равишда 1,138 ва 1,902 мартани ташкил этар экан. Шу билан бирга, 10-жадвалда экинларни суғориш усуллари кесимида ҳам прогноз натижалари келтирилган ва, умумий хулоса қилиб айтганда, истиқболда улар бўйича ҳам ўсиш тенденцияси кузатилиш эҳтимоли мавжуд экан.

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг камайиши ва тупроқнинг юқори қатламлари шўрланиши ва уларнинг олдини олиш, мавжуд сув ресурслари ҳисобига маҳсулот етиштириш ҳажми ва самарадорлигини ошириш масаласи сувдан фойдаланиш тизимида ўзаро ҳамкорлик шаклларини, жумладан, кооперация муносабатларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Бунда қуйи бўғин хўжалик субъектлари фаолиятида, жумладан, сувдан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида фойдаланишда кооперация шакл ва муносабатлари дунёда кенг қўлланилишини алоҳида эътироф этиш лозим. Маълумки, республикамизда сув давлат мулки ҳисобланади. Аммо, республикамиз шароитида ҳам энг қуйи бўғин хўжаликларига етказиб берилаётган сув ресурсларидан хорижий давлатлар тажрибаларига асосан самарали фойдаланишда кооперативлар ташкил қилиш ва, умуман, кооперативлаштириш жараёнини кучайтириш истиқболда сув хўжалиги тизимини барқарор ривожлантириш учун ташкилий-таркибий нуқтаи назардан

³⁰ Аму-Қашқадарё ИТХБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

кенг имкониятлар яратишини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда, бизнингча, қуйи бўғин хўжаликлари ҳамкорлигида сувдан фойдаланишда кооперативлар ташкил қилиш ва кооперация муносабатларини жорий этишга туртки берувчи қуйидаги ҳолат ва афзалликларни қайд этиш мақсадга мувофиқ (11-жадвал).

11-жадвал.


Сув хўжалиги кооперативларининг афзаллик томонлари ва уларни ташкил этиш жараёнида юзага келадиган асосий муаммолар³¹

Ижобий ҳолат, афзаллик ва имкониятлар	Ҳал этиш лозим бўлган асосий муаммолар
<p>1. <i>Бошқарув самарадорлигини ошириш.</i> Бунда қишлоқ хўжалигида сув истеъмолчилари кооперативлари маҳаллий даражада сув ресурсларини самарали бошқаришда ва бу муайян ҳудудлар эҳтиёжи асосида сувдан фойдаланиш самарасини оширади.</p>	<p>1. <i>Кооператив ҳамкорлик.</i> Сув ресурсларини бошқариш кооперативга ўтиши, кооператив аъзолари бўлмаганлар учун сувдан фойдаланишда чекловларга олиб келиши мумкин.</p>
<p>2. <i>Инновациялар ва илғор тажрибалар.</i> Кооперативлар инновациялардан самарали фойдаланиш, сувни тежаш усулларини қўллаш ва инфратузилмани яхшилаш каби сувни бошқаришнинг янги усулларини жорий қилиш имконини оширади.</p>	<p>2. <i>Стандартлар ва қонунлар хилма-хиллиги.</i> Турли кооперативлар турли хил бошқарув механизмларини қўллаши мумкин, бу эса сувни бошқаришда изчил ёндашувни қийинлаштиради.</p>
<p>3. <i>Масъулият.</i> Кооперативлар сув ресурслардан фойдаланишда жавобгарлик ва шаффоликни оширади. Кооператив аъзоларида сувдан фойдаланиш ва тежамкорликда масъулият ошади.</p>	<p>3. <i>Давлат назорати.</i> Сувдан фойдаланиш назорати қуйи бўғинда кооперативга ўтиши, сувдан фойдаланишда ягона тартибни қийинлаштириши мумкин.</p>
<p>4. <i>Маҳаллий шароитларга мослашиш.</i> Кооперативлар иқлим ёки демографик омиллар каби ўзгарувчан маҳаллий шароитларга яхшироқ мослаша олади, бу эса ўз навбатида сув танқислиги ёки ифлосланиш хавфини камайтиришга имкон беради.</p>	<p>4. <i>Манфаатлар тўқнашуви хавфи.</i> Кооперативларда аъзолар ўртасида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин, айниқса сув ресурслари тижорат фаолияти предметиға айланса.</p>

Юқоридаги кооперативлаштириш ҳаракатининг афзаллик ва муаммолари бўйича қиёсий таҳлил натижаларига асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи қуйи бўғин хўжаликларида сув ресурсларини самарали бошқариш, сув танқислигини камайтириш, сувдан тежамли фойдаланиш ва улар фаолиятига замонавий технологияларни жорий этиш мақсадида таъсисчилар ҳамкорлигида “Сувдан фойдаланиш кооперативлари”ни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий роли ва ўрни илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилди. Кооперативларнинг асосий мақсади ягона тизим доирасида кластер, фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ва бевосита иштирокида сув ва ички ирригация тармоқларидан фойдаланиш самарадорлиги, хўжаликлар ва аҳоли даромадларини оширишдан иборат. У ушбу ҳудудларда сув ресурсларидан самарали ва барқарор бошқаришдан манфатдор таркибий субъект

³¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ва тадбирларни ўз ичига оладиган, яхлит тизим доирасида фаолият юритадиган юридик мақомга эга субъект ҳисобланади. Тадқиқот ишида шу ихтисосликдаги кооперативнинг таркибий-ташкилий тузилмаси, ҳуқуқий-меъёрий асослари ва молиялаш манбалари бўйича намунавий лойиҳа ишлаб чиқилди (6-расм).



6-расм. “Сувдан фойдаланиш кооперативлари”нинг таркибий-ташкилий тузилмаси, ҳуқуқий-меъёрий асослари ва молиялаш манбалари бўйича намунавий лойиҳа (тавсия)³²

Умуман олганда, тадқиқот жараёнида амалга оширилган таҳлиллар ва улар асосида ишлаб чиқилган асосий хулосалар, сув хўжалигини рақамлаштириш мақсадида таклиф этилган “GidroSMART SISTEM” рақамли платформа, “Сувдан

³² Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан берилган тавсия.

фойдаланиш кооперативи”, эконометрик моделлар ва усуллардан фойдаланган ҳолда сув тежаш имкониятлари, экинларни суғориш усуллари қўлланиладиган майдонларнинг ўзгариш тенденцияси аниқлаш учун амалга оширилган прогноз параметрлари ва шу каби илмий-назарий ва услубий-амалий ишланмалардан фойдаланиш, бизнингча, истиқболда республика, ҳудуд ва хўжаликлараро сув тақсимотини мувофиқлаштириш ва бошқариш, сув хўжалиги тизимини рақамли технологиялар асосида инновацион ривожлантириш, хўжалик субъектлари фаолиятига замонавий сувтежамкор техника ва технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш ва, энг муҳими, сув хўжалиги соҳаси олдида қўйилган стратегик мақсад, яъни, сув манбалари ва тобора чекланиб бораётган сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш, ҳудудлараро ва хўжаликлараро ирригация тизимларини модернизациялаш, эксплуатация харажатларини камайтириш ва муддатларини узайтириш каби чора-тадбирлар асосида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бошқа муаммоларни ҳал этишда муайян даражада хизмат қилади.

ХУЛОСА

1. Таркиб жиҳатдан сув ресурслари фақат чучук ва ўртача минераллашган сувлардан иборат бўлмай, балки, дарёлар, қўллар, табиий ва сунъий омборларда тўпланган сув захиралари, чучук ва ўртача минераллашган ер ости ва ер усти сувлари, урбанизация жараёни таъсирида тобора кўпайиб бораётган йирик шаҳар ва мегополислар оқова сув тармоқларидан чиқаётган ташланма сувлардан иборат бўлиб, иқсодиётнинг моддий тармоқ ва ижтимоий соҳаларида ишлатилаётган ва ишлатилиши мумкин бўлган сув манбалари йиғиндисидан ташкил топади.

2. Сув танқислигининг кучайиши шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда ҳудудларнинг сувдан фойдаланишдаги имкониятлари ва фарқларини, хўжаликлараро ва ички хўжалик тармоқларидаги сув фильтрацияси ва бошқа шу каби омиллар таъсирида йўқотилаётган сув миқдори, сувтежамкор технология ва усулларнинг қўлланиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудлар ва хўжалик субъектлари кесимида сувдан фойдаланиш самарадорлигини реал баҳолаш учун тадқиқот ишида ишлаб чиқилган табақали коэффицентларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

3. Қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш борасидаги хорижий тажрибаларни умумлаштирган ҳолда, жумладан, Хитой ва Исроил давлатлари суғорма деҳқончилигида қўлланилаётган қуйидаги илғор ютуқларни республика ва ҳудудлардаги мавжуд шароит ва имкониятларни инобатга олиб, қўллаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тақозо этилади, яъни:

- маҳсулот етиштирувчи хўжаликларнинг даласига сув берувчи суғориш каналларининг бош қисмида сув сарфини ўлчаш воситаларини ўрнатиш, сувга нарх белгилаш, суғоришда сув тежамкор технологияларни жорий этиш ва уларга хизмат кўрсатишда давлат-хусусий шериклик имкониятидан кенг фойдаланиш;

- оқова сувларни тоза дарё суви билан аралаштириб меъёр ва талабга жавоб берадиган ҳолатда суғоришга бериш орқали қўшимча сув манбаларини яратиш,

бунинг учун оқова сувларни тозалаш ва зарарлантириш технологияларини жорий қилишни рағбатлантириш ва инвестициялар билан таъминлаш;

- табиий-иқлим омиллари таъсирида имконияти мавжуд бўлган ҳудудларда қиш ва баҳор мавсумларида кўп ёғадиган қор ва ёмғирлардан ҳосил бўладиган сувларни табиий ва сунъий ҳавзаларда тўплаш асосида қўшимча сув манбалари яратишни иқтисодий рағбатлантириш, ушбу соҳага инвестициялар жалб қилиш каби тажрибаларни келтириш мумкин.

4. Сувтежовчи усул ва технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш ҳозирги кундаги ва истиқболдаги энг устувор вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Шу боис, бизнингча, субсидиялаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида хўжаликлар бўйича уларни қўллаш ҳажми ва самарадорлик даражасини баҳолаш учун уларнинг ҳар бирига мос коэффициентларни қўллаш тавсия этилди. Бунда, жумладан, томчилатиб суғориш тизимидаги сув тиндиргич ҳовузи бетон ёки темир-бетон қопламали бўлса субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан 8%, геомембрана қопламали бўлса 5%, бир мавсумли плёнка билан қопланган бўлса 2%, тупроқ ўзанли бўлса 1% қўшимча субсидия ажратиш ҳар бир хўжалик фаолиятида сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолатига объектив баҳо бериш ва табақали рағбатлантириш имконияти яратилади.

